ПАРТИЯ ТУРМУШИ: МАТБУОТГА РАҲБАРЛИК

# ТАЪСИРЧАНЛИК — БОШ МЕЗОН

**Янги кишини тарбиялаш ривожланган социалистик жамият шароитида маънавий тараққиётимизнинг асосий йўналишини ташкил этади. Бу борада тарбиявий таъсир ўтказишнинг муҳим воситаларидан бири — матбуотнинг роли ниҳоятда каттадир. Бу КПСС XXVI съезди қарорида ҳам, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида ҳам алоҳида таъкидланган.**

«Ютуқларимизни ишонарли тарзда, конкрет равишда кўрсатиб бериш, ҳаётда проблемаларни жиддий таҳлил қилиш, янги фикр ва сўз айтиш бутун пропагандамизни такомиллаштириш йўлидир, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов, — пропагандамиз ҳамиша ҳаққўй ва реалистик бўлиши, шунингдек, мароқли ва тушунарли, бинобарин, янада таъсирчан бўлиши лозим».

Бу кўрсатмага жавобан газета ва журналлар, радио ва телевидение, редакцияларининг ходимлари юксак ижтимоий активлик ва жонкуярлик кўрсатмоқдалар. Область партия комитети кейинги йилларда оммавий ахборот ва пропаганда воситалари таъсирчанлигини кучайтириш, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини ошириш бўйича анчагина тадбирларни амалга оширди.

Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш тўғрисидаги қарори ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Қашқадарё область партия комитетининг КПСС XXVI съезди талаблари асосида пропаганда ва оммавий ахборот воситаларига раҳбарлиги тўғрисида»ги қарори матбуот чиқишлари ва радиоэшиттиришларининг сифати ва мазмундорлигини оширишда катта ёрдам бермоқда.

Ҳозирги вақтда областимизда 120 минг нусхада 2 та область, 19 та район ва кўп тиражли газеталар чиқарилмоқда. Шунингдек, 15 та районда радиоэшиттиришлари редакциялари доимий ҳаракатда бўлиб турибди.

Область партия комитети оммавий ахборот воситалари ишини янада яхшилаш соҳасида қатор тадбирларни амалга ошираётир. Область марказида диққатга сазовор радио уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тажриба шуни кўрсатадики, қаерда партия комитетлари матбуотга кундалик раҳбарликни кучайтирган бўлса, ўша ерда матбуот чиқишларининг таъсирчанлиги ортиб бормоқда. Область партия комитети кейинги вақтда «Қашқадарё ҳақиқати» ва «Кашкадарьинская правда» область газеталари, область радиоэшиттириш комитети, Чироқчи район «Олға», «Каршистрой», «Чўл ўлкаси» ва бошқа газеталар редакцияларининг ҳисоботларини эшитди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, область партия комитети ҳар бир матбуот чиқишига ва радиоэшиттиришларига диққат билан қараб, уни чуқур таҳлил этиб бормоқда. Бу, албатта, илғор тажрибалар, меҳнат коллективларида юзага келган ташаббуслар ва бир қатор ҳаётий муаммоларнинг кенг ёритилишига ёрдам бермоқда. Бир группа пахтачилик бригадаларининг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун бўрдоқичилик фермалари ташкил этиш ва давлатга гўшт топшириш ҳамда илғор пиллачилик звеноларининг барча пиллакорларга мурожаати каби ибратли ташаббуслар область газеталари саҳифаларида кенг пропаганда қилинди. Кейинги икки йилда область партия комитети ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг халқ хўжалигини юксалтиришга доир 30 дан зиёд ташаббусини маъқуллади. Шунингдек, мавсумий чиқишлар, матбуот марказлари фаолияти пахтакор, ғаллакор, чорвадор ва пиллакорлар ҳаётига доир варақалар, газеталарнинг махсус тематик саҳифалари, подборка ва махсус сонлар ҳамиша партия ташкилотларининг диққат марказида турибди.

Область, район ва шаҳар партия комитетлари газета чиқишлари ва радиоэшиттиришлари мазмундорлигини ошириш бўйича редакцияларга аниқ йўлланмалар бермоқдалар. Область партия комитети ҳузуридаги матбуот обзори ва социологик тадқиқот группаларида партия, совет ходимлари, тажрибали журналистлар иш олиб бормоқда. Иқтисод ва маданий ҳаётга доир муҳим масалалар жиддий ўрганилиб, партия комитетларида кенг муҳокама қилинмоқда.

Область ва район газеталари меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга оширишга сафарбар этиш соҳасида бой тажриба тўпладилар. «Қашқадарё ҳақиқати» газетасида социалистик мусобақа саҳифаси мунтазам берилиб, унда пахтакор ва чорвадорлар, саноат ва бошқа тармоқлар ходимларининг тажриба ва ютуқлари ҳикоя қилинмоқда, йўл қўйилган жиддий камчиликлар қаттиқ танқид остига олинаётир. «Кашкадарьинская правда» газетасида эса «Мусобақа илғор тажриба мактаби», область радиосида «Социалистик мусобақа кундалиги» каби янги туркумлар пайдо бўлди. Бу ўринда Китоб район «Ғалаба», Қарши район «Коммунизм алангаси», Нишон район «Меҳнат байроғи» газеталари редакциялари коллективларининг ишга ижодий, изланувчанлик билан ёндашаётганликларини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Редакция коллективларининг йирик зарбдор қурилишларга оталиқ қилиши яхши анъанага айланмоқда. «Қашқадарё ҳақиқати» газетасининг паррандачилик комплексида тузган мухбирлар пункти муҳим объект қурилиши ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб бераётир. «Кашкадарьинская правда» газетаси томонидан «Каршистройиндустрия» бирлашмаси ва область радио комитети томонидан Ҳисорак сув омбори қурилиши бошқармаси билан имзоланган ижодий алоқалар ҳам катта самара бермоқда. Бундай шартномалар редакцияларнинг коллективлари билан Муборак газни қайта ишлаш заводи, Толлимаржон ГРЭСи ва «Каршистрой» бошқармаси ўртасида ҳам тузилди.

Шу кунларда КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил июнь ва 1983 йил декабрь Пленумлари қарорларини кенг пропаганда қилиш газета ва радио редакциялари коллективларининг асосий вазифасига айланган. «Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши», «КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари — ҳаётга!», «Табиат ва инсон» каби рубрикалар остида қизиқарли материаллар ёритилмоқда.

Область партия комитети кейинги йилларда журналистлар тайёрлаш ва редакцияларни кадрлар билан мустаҳкамлашга эътиборни кучайтирди. Обком ҳузуридаги марксизм-ленинизм университетида область газеталарнинг бўлим мудирлари, район газеталарининг редакторлари ва редактор ўринбосарлари малакаларини оширмоқдалар. «Қашқадарё ҳақиқати» ва «Кашкадарьинская правда» газеталари редакциялари ҳузурида журналистларнинг маҳорат мактаби, ишчи-деҳқон мухбирлари университетлари ишлаб турибди. Шунингдек, Ғузор, Китоб ва бошқа қатор район газеталари редакциялари ҳузурида ҳам қишлоқ мухбирлари маҳоратини ошириш мактаблари ташкил этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Журналистлар ва Ёзувчилар союзларининг область бўлимлари ҳамкорликда назарий ва амалий семинарлар ўтказиб, журналистларнинг ва ҳаваскор қаламкашларнинг билим ва малакасини оширмоқдалар.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари редакциялар билан биргаликда мунтазам равишда «Очиқ хатлар куни», матбуот конференциялари, давра столи атрофида суҳбатлар ўтказмоқдалар. Матбуот ва радио ходимлари олдида партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари ҳисобот билан чиқмоқдалар. Бу тадбирлар журналист кадрларни воқеага объектив ёндашишга ва кундалик ҳаётни кенг ва мазмунли ёритишга даъват этмоқда.

Қашқадарё областида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Қурилиш кўлами тобора кенгаяётир. Ана шу бунёдкорлик ишлари жараёнида ажойиб тақдирли кишилар, замонамиз қаҳрамонлари етишиб чиқаётир. Афсуски, ҳали область ва район газеталари улар ҳаётини, меҳнатини кенг ва чуқур ёритяпти, деб бўлмайди. Матбуот органларида машъал бригадалар бошлиқлари, механизатор ва сувчилар ном қозонаётган чўлқуварлар ҳақидаги таъсирчан очерк ва лавҳаларни кам учратасиз. Шунингдек, жойлардаги камчиликлар ҳақида фельетонлар ва бошқа танқидий чиқишлар ниҳоятда кам бўлмоқда.

Областимиз журналистлари партия матбуотининг ленинча принциплари ва анъаналарига амал қилган ҳолда КПСС XXVI съезди қарорлари ва ўн биринчи беш йиллик планларини амалга оширишда бундан кейин ҳам юксак даражада ижтимоий активлик кўрсатадилар, оммани партия ташкилотлари томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш, газета материаллари сифати ва савиясини, таъсирчанлигини оширишга эришиш учун фаолиятларини кучайтирадилар.

**З. БЕГИМҚУЛОВ,**
**Қашқадарё область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.**

ЯНГИЛИКЛАР 84

## ТОШКЕНТЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ — ОММАГА!

**Мамлакатимиз гўшт саноати корхоналаридан 1200 таси ўн биринчи беш йиллик планларини барвақт бажариш мусобақасида фаол иштирок этмоқдалар.**

Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шу меҳнат беллашувининг олдинги сафида бормоқда. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида тармоқнинг ғолиб корхоналарига бағишланган махсус бўлим очилди.

Бўлимда тошкентликлар тажрибасига алоҳида ўрин берилган. Бу ерга ташриф буюрганлар уларнинг меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, поток линияларни реконструкция қилиш, янги техникани кенг ўзлаштириш тажрибалари билан танишмоқдалар.

**Б. ДУХНЕВИЧ.**
**Москва.**

## НАСОСЛАР «УМРИ» УЗАЙМОҚДА

**Украина Фанлар академиясининг юксак молекулали аралашмалар илмий-тадқиқот институти коллективи кашф қилган маҳсулот — «Сургут» елими бугунга қадар сув ости нефть ускуналари ва қурилмаларини созлаш ишларидагина қўлланиб келинарди.**

Эндиликда бу елим ўзбекистонлик ирригаторларга ҳам қўл келиб қолди. Улар сув ости насосларини ярatиш ва уларни ремонт қилишда елимдан кенг фойдалана бошлашди.

Киевдаги «Главтранснефть» сув ости техникаси экспедицияси мутахассислари ўзбекистонлик ирригаторларга бугунга қадар 300 дан ортиқ турли хил сув ости насосларини ремонт қилишда яқиндан кўмак бердилар.

**А. КОНДРАТЮК.**
**Киев.**

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1983 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ ЮЗАСИДАН ЛЕКЦИЯЛАР, ДОКЛАДЛАР, СУҲБАТЛАРНИНГ

# НАМУНАВИЙ ТЕМАТИКАСИ

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг, СССР Олий Совети сессиясининг қарорлари — мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг илмий жиҳатдан асосланган, конкрет программаси.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумидаги нутқи — ҳозирги босқичда партиянинг социал-иқтисодий сиёсатини ифода этувчи энг муҳим сиёсий ҳужжат.

Социал-иқтисодий ривожланиш планларининг 1983 йилда бажарилиш якунлари.

Совет кишиларининг фидокорона меҳнати — мамлакатимизнинг иқтисодий ва социал тараққиёти, унинг мудофаа қобилиятини ошириш негизи.

Халқ хўжалигида рўй берган ижобий силжишлар мустаҳкамлансин, ижобий жараёнлар активроқ ривожлантирилсин.

1984 йилги Давлат плани — партия сиёсий ва иқтисодий стратегиясининг мужассам ифодаси.

СССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети.

План — хўжалик турмушининг қонуни.

План топшириқларини бажариш — ҳар бир совет кишисининг, ҳар бир меҳнат коллективининг ватанпарварлик бурчи.

1984 йилги планни ошириб бажариш учун барча имкониятлар ва резервлардан фойдаланайлик.

Беш йилликни зарбдор меҳнат билан бошлайлик!

Меҳнатнинг аниқ-пухта ташкил этилиши, юксак меҳнат интизоми — планни бажаришнинг энг муҳим шарти.

Ресурслар, материаллар, хом ашё, энергияни тежашга эришиш йўллари.

Тежалган материаллар ва хом ашё ҳисобига қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаймиз.

Меҳнат унумдорлигини ошириш — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг туб вазифаси.

Коллективимизнинг 1984 йилги плани ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарамиз.

Пландан ташқари меҳнат унумдорлигини камида 1 процент оширишга, маҳсулот таннархини қўшимча равишда камида 0,5 процент пасайтиришга эришиш — 1984 йилда ҳар бир меҳнат коллективининг энг муҳим вазифаси.

Меҳнаткашларнинг социалистик мусобақасини, ташаббускорлиги ва ижодий активлигини янада ривожлантириш тўғрисида партия ғамхўрлиги.

Корхонамизда машина-ускуналар иш сменалилиги коэффициентини қандай қилиб ошириш керак.

Днепропетровск комбайн заводининг тажрибаси кенг ёйилсин.

Маҳсулотнинг лойиҳадаги меҳнат сарфига тезроқ эришиш учун ҳаракатни ривожлантирайлик.

Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларига қаттиқ риоя қилинсин.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўларок, юксак самара билан фойдаланилсин.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳал қилувчи йўналиши.

Комплекс, тежамли, сифатли қурайлик. 1984 йилда ишга тушириладиган объектларни муддатида фойдаланишга топширайлик.

Уй-жойлар, социал ва маиший объектлар қурилиши қаттиқ контроль остига олинсин.

Транспорт ишига зўр эътибор берилсин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — катта давлат аҳамиятига молик вазифа.

Халқ турмуш даражасини ошириш — планларимизнинг асосий, социал-иқтисодий мақсади.

1984 йилда агросаноат комплексини ривожлантириш.

Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга коллективимиз қўшадиган ҳисса.

Чорва қишловини муваффақиятли ўтказамиз.

Кўкламги экишга намунали тайёргарлик кўрамиз.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш — кечиктириб бўлмайдиган вазифа.

Хизмат кўрсатиш соҳасини интенсив ривожлантирайлик.

Корхоналар ҳуқуқларини кенгайтириш ва иш натижалари учун уларнинг масъулиятини кучайтириш актив қўллаб-қувватлансин.

Партиявий раҳбарликнинг услуб ва методларини такомиллаштириш — янги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш гарови.

КПСС билан Совет давлатининг мустаҳкам тинчлик ва халқлар хавфсизлигини таъминлаш учун, термоядро уруши хавфини бартараф этиш учун кураши.

АҚШнинг агрессив, милитаристик йўли — тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишига асосий таҳлика.

СССР Олий Советининг халқаро аҳвол тўғрисидаги қарори — Совет давлати қатъий ва изчил тинчликсевар сиёсатининг яққол ифодаси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ДА БОСИЛГАНИДАН СЎНГ

## «РЕВИЗОР КЕЛАРМИШ...»

Газетанинг шу йил 13 ноябрь сонида ана шундай сарлавҳали фельетон босилган эди. ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ редакцияга юборган хатида шундай дейилади: Фельетон республика чорва наслчилиги хизмати ходимлари, область давлат наслчилик корхоналари директорлари ва бош бухгалтерлари иштирокида кўриб чиқилди. Министрлик бўйича материал ва пул маблағларини сарфлашда иқтисод ва тежамкорликни кучайтириш, область корхоналари фаолиятида давлат интизомига қатъий риоя қилиш, социалистик мулкнинг сақланиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда тафтиш сифатини таъминлаш ишларини яхшилаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Область давлат наслчилик корхоналарида фондли материалларни сарфлашда назоратни сусайтириб юборганлиги ҳамда ишда бошқа бир қатор камчиликларга йўл қўйгани учун респблика Халқ контроли комитети чорва наслчилиги бўйича республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Х. Ҳусаинов, директор ўринбосари В. Арушанов ўртоқларга ҳайфсан эълон қилган эди. Шунингдек тафтишларни сифатсиз ўтказгани, аниқланган камчиликларни тугатиш учун тегишли чора кўрмагани ҳамда ишда бошқа нуқсонларга йўл қўйгани сабабли контрол-ревизия бўлимининг бошлиғи М. Қодиров хизмат вазифасидан озод қилинди. Молия ва фонд интизомини бузгани учун Тошкент область Давлат наслчилик корхонаси директори О. Цибизовга қаттиқ ҳайфсан берилди ва унга икки ойлик маоши миқдорида начёт қилинди.

Булардан ташқари Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги буйруғи билан ишда бир қатор нуқсонларга йўл қўйгани учун Тошкент давлат наслчилик рассадниги директори В. Ан хизмат вазифасидан бўшатилди. Бирлашманинг катта бухгалтер-ревизори М. Қурбоновга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди, бир қатор масъул шахсларга нисбатан жазо чоралари кўрилди. Чорва наслчилиги бўйича республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига область корхоналарида моддий жавобгар шахсларни, ревизия аппарати ҳамда ҳисоб ходимларини танлаш ва жой-жойига қўйишни яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилаш вазифаси топширилди.

**Лола Матёқубовани Урганчдаги В. И. Ленин номли тикувчилик фабрикасида барча ҳурмат қилади. Илғор тикувчи яқинда ўн иккинчи марта партия группаси етакчилигига сайланди. У бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажаришга аҳд қилган республикамиз ишлаб чиқариш илғорлари ташаббусига якдил қўшилиб, социалистик мусобақада олдинда боряпти. Учинчи даража Меҳнат шуҳрати ордени нишондори Л. Матёқубова шу кунларда ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Суратда: пешқадам тикувчи Л. Матёқубова.**

**Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).**



## «ҚЎПМИНГЧИЛАР» КЛУБИ

Мирзачўлда «Бешмингчилар» клубига асос солинди. Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг илғор сут соғувчиси Гулсара Саъдуллаева клубнинг биринчи аъзоси бўлди. У ўтган йил якунларига кўра областда энг юқори кўрсаткичга эришди — сут соғувчи ўзига бириктилган ҳар бош сигирдан беш минг килограммдан сут соғиб олди.

Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхоз сут соғувчиси, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Урхия Бакирова ҳам «Бешмингчилар» қаторидан жой олди. (ЎзТАГ).

## ОЗАРБАЙЖОН ТИЛИДА

БОКУ, 3 январь. (ТАСС). Республика «Азернешр» нашриёти В. И. Ленининг 55 томлик тўла асарлар тўплами 41- ва 42-томларини озарбайжон тилида босиб чиқарди. Тўпламни Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти нашр этмоқда.

# ТАРИХИЙ ОНГ: МИЛЛИЙ ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАР

**Маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишини тағин ҳам самарали қилиш, халқларимиздан ҳар бирининг маданиятидаги энг яхши бойликлардан барча кишиларнинг баҳраманд бўлиши учун янада кенг йўл очиш имконини берадиган, бугунги талабларга мос бўлиб тушадиган янги иш методлари ва формаларини сабот билан қидириб топиш керак.**

**Ю. В. АНДРОПОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Маълумки, ҳар бир халқ ўз тарихини юксак даражада қадрлайди, ҳар бир халқнинг у ёки бу даражада ривож топган тарихий онги мавжуд. Лекин ўзбек халқи революцияга қадар сўзнинг ҳозирги маъносидаги миллат сифатида таркиб топмаган эди. У биринчи марта Улуғ Октябрдан кейингина социалистик миллат сифатида таркиб топди. Лекин бундан ўзбек халқининг ўтмиши диққатга лойиқ эмас, экан-да, деган хулоса чиқариб бўладими? Йўқ, албатта.

Биз, ўзбек халқи жаҳондаги энг қадимий халқлардан бири ва айни вақтда у социалистик қурилиш жараёнида миллат бўлиб шаклланган, деймиз. Бунда мантиқий қарама-қаршилик йўқми? Бу саволга жавоб бериш учун илмий коммунизм асосчиларига мурожаат қилайлик. К. Маркс ва Ф. Энгельс асарларида «Минг йиллар давомида тарқоқ ва сочилган миллатлар», деган ибора бор. Бунда «миллат» сўзининг маъносини тасодифий деб бўлмайди. Чунки миллат тушунчасини «миллий» ёки «элат» сўзи билан аралаштириб бўлмайди. К. Маркс ва Ф. Энгельс бу тушунчаларни бир-биридан аниқ фарқ қилганлар. Улар минг йиллар давомида тарқалиб ва сочилиб кетган миллатлар ҳақида гапирганларида шуни назарда тутганларки, миллат этник бирлик сифатида ҳозирги миллатлар пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлган. Миллий хусусиятлар ҳозирги маънодаги миллатлар пайдо бўлгунга қадар вужудга келган.

Ўзбек халқи азалдан ўз эртаклари, афсоналари, бадиий ёдгорликларида адолатли жамият ғоясини илгари сурган. Унинг орзуларида табиатнинг стихияли кучларига қарши кураш, инсоннинг инсон томонидан эзилишига, маънавий ва руҳий азоб-уқубатларига, ўзаро ва босқинчилик урушларига қарши нафрат акс этган. Шунинг учун ҳам улар юксак аҳлоқ эгаси бўлган, билим доираси кенг, жисмоний бақувват, гражданлик туйғуси етук киши ғоясини илгари сурганлар. Лекин хусусий мулкчилик ва унга асосланган ижтимоий муносабатлар ҳукмрон бўлган жамият шароитида буларнинг ҳаммаси орзу бўлиб қолаверди.

Барча халқлар сингари ўзбек халқи ҳам ўз тарихини, миллий муҳитини сақлаб қолган. Бу ҳол ўз-ўзича эмас, балки тинимсиз, онгли кураш натижасида юз бердики, бу кураш давомида ўзбек халқи ва ўлкадаги бошқа қардош халқлар сингари ўз меҳнати, сўзи билан, кези келганда эса қўлда яроғ билан ўз миллий воқелигини ҳимоя қилиб қолди, миллий руҳини ёрқин намоён этди.

Миллатнинг маънавий тузилишининг шаклланиш механизми шундаки, **биринчидан**, ўтмиш авлодларининг турмуш тарзи натижасида юзага келган фикр ва тасаввурларни миллат ўзининг тасаввури деб қабул қилади. Бу тасаввурлар миллатнинг онги ва хулқ-атворида, одатда, стихияли равишда мужассамланади. Лекин бу ўринда стихиялилик, бир томондан, миллатларнинг фикр юритиш ва тасаввурларининг чуқур жараёнини, уларнинг келиб чиқиш асослари мустаҳкамлигини билдирса, бошқа томондан, бу фикрлар ва тасаввурлар кундалик онг сифатида намоён бўлади. **Иккинчидан**, миллий анъаналар, урф-одатлар, ахлоқ ўтмиш авлодлар моддийлашган фикр ва ҳис-туйғуларининг моҳияти бўлиб, улар маълум даражада объективлик ва қонунийлик тенденциясига эгадир. **Учинчидан**, миллий структура ичида синфлар, этник группалар миллий кайфиятлар ва тасаввурларни қўллаб-қувватлашга ёки тугатишга анча таъсир кўрсатади. **Тўртинчидан**, ўз-ўзини англашнинг биринчи босқичи бўлган миллий психология кишиларнинг сиёсий, аҳлоқий, ҳуқуқий, эстетик ва бошқа қарашларини органик равишда бирлаштиради ва бу билан фикр ва эмоциялар бирлигини шакллантиради. **Бешинчидан**, фикр ва эмоциялар бирлиги вужудга келгач, ҳаракат ва хулқ-атворга айланади. Шундай қилиб, ўзбеклар социал-психологик, турмуш ва маданий муҳит таъсирида вужудга келган.

Интернационал таълимот бўлган марксизм-ленинизмнинг кучи шундаки, у миллатларнинг маънавий шаклланиш механизмини илмий жиҳатдан чуқур тасаввур этиб, кишиларнинг социал-иқтисодий ва сиёсий бирлашувига катта эътибор берди. Бу принципиал қоидада миллий ҳаракатни ягона революцион оқимда ишчилар ҳаракати билан бирлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Халқимиз босиб ўтган йўлга назар ташлаб, унинг бутун ижтимоий-иқтисодий тузумини ўзгартирган ва янги ҳаёт йўлига олиб чиққан ўтмишга назар ташласак, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши, Улуғ Октябрь ғалабаси, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши чиндан ҳам катта тарихий аҳамиятга молик эканлигига чуқур ишонч ҳосил қиламиз. Озодлик ва социализм учун кураш олиб бориш зарурлигини тушуниб етиш рус халқи билан абадий дўстликни мустаҳкамлади, ўзбек халқини ҳамда Ўрта Осиёдаги бошқа қардош халқларни Октябрь ғалабаси билан якунлаш учун революцион курашга даъват этди. Совет халқининг интернационал бирлиги ва жипслиги социалистик қурилиш давомидаги қийинчиликларни енгиш, иккинчи жаҳон урушида ғолиб чиқиш, табиатнинг стихияли офатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи шарти бўлди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги проблемаларини ҳал қилишда, Озиқ-овқат программасини собитқадамлик билан бажариб бораётганликда, маънавий бойликлар интеграциялашаётганида, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришда, соғлиқни сақлаш ва спорт ишларини яхшилашда совет халқининг интернационал бирлиги ва жипслигини кўрсатувчи мисолларни ва улар ҳақидаги фикрларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин совет халқининг интернационал бирлиги ва жипслиги бутун системамиз мустаҳкамлигининг асоси, коммунизм идеалларини қарор топтиришнинг гарантияси, социалистик миллатлар ва элатларни янада равнақ топтириш ва жипслаштириш мезони, социалистик система, жаҳон революцион жараёни, бутун дунёда тинчликнинг таянчи эканлигини қайд қилиш етарлидир.

Миллатларнинг мавжудлиги ва ривожланиши объектив қонунлари сохталаштирилган жойда чинакам илмий ҳақиқат бўлмайди. Барча ижтимоий ҳодисалар сингари бу ўринда ҳам битта объектив ҳақиқат бор. Фанда айнан бир воқелик ҳақида бир хилдаги иккита ҳақиқат бўлмайди. Ҳақиқат синфларга, уларнинг идеологлари ва сиёсатдонларига бефарқ қарайди. Лекин синфлар, уларнинг идеологлари ва сиёсатдонлари эса ҳақиқатга бефарқ қарамайдилар. Реакцион синфлар, уларнинг идеологлари ва сиёсатдонлари миллатларнинг манфаатларига зид иш тутишлари оқибатида уларнинг мавжудлиги ва ривожланишининг ҳақиқий аҳволини кўрсатиб бера олмайдилар. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида бизнинг партиямиз ижтимоий ҳодисаларни объектив, қатъий илмий асосда тушунишини ва унга қатъий амал қилишини яна бир марта намойиш қилди. Фан қанчалик дадил ва кескин ҳаракат қилса, у ишчилар синфи ва унинг иттифоқчилари манфаатларига шунчалик мос келади. Социалистик революция ва коммунистик қурилишда миллий ва интернационал жиҳатларнинг диалектик бирлиги шундан келиб чиқади. Реал социализм шароитида она ерга, ўз халқига ва совет халқлари ҳамдўстлигига садоқатга, ўз миллатининг социалистик Ватанга мансублигига қарши бўлиш учун объектив сабаблар йўқ. Социалистик интернационализм миллий туйғуларни, социалистик миллатларнинг миллий ифтихорини инкор этмайди. Эндиликда, ривожланган социалистик жамият шароитида синфий ва миллий муносабатлар бир-бири билан боғлиқ бўлса-да, бу синфлар ва миллатларнинг тарихий тақдири турличадир. Бу ўринда, синфсиз структуранинг шаклланиш даври миллатларнинг бир-бири билан қўшилиб кетиши билан мос келмайди. Келажакда ҳам миллатларнинг бир-бири билан қўшилиб кетиши миллий-этник тафовутларнинг тугатилишига олиб келмайди. Бу тафовутлар принцип жиҳатидан тугатилмасдир, чунки миллатларнинг бир-бири билан қўшилиб кетиши миллатлар маънавий бойликларини улоқтириб ташлаш ёки ундан кўз юмишни назарда тутмайди. Аксинча, бу янги жамиятнинг барча миллий-этник кўпқирралигига мувофиқ равишда янада ривожланишини назарда тутади. Бинобарин, миллатлар ва элатларнинг бетакрор ўзига хослигини акс эттирувчи миллий маданиятларнинг ривожланиш истиқболи чексиздир.

